

«Тафсири Ҳилол» китобининг навбатдаги нашрига буюртма олиш давом этмоқда



10:05 / 07.09.2019 3134

Бугун эрта тонгда «**Nilol**» **нашриёт-матбаасининг** барча дўконларида китобга муҳаббатли китобхон юртдошларимиз ташриф буюришмоқда. Нега дейсизми? Чунки «**Nilol**» нашриёт-матбаасининг асосчиси фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ қаламига мансуб «Тафсири Ҳилол» китобининг навбатдаги нашрига буюртма олиш учун. Гарчи «**Nilol**» нашриёт-матбаасининг иш вақти соат 09.00 бошлансада буюртма олиш учун муслим ва муслималар ўз навбатларини олдиндан банд этиш мақсадида эрта тонгда ташриф буюришди. Хусусан, «**Nilol**» **нашриёт-матбааси** бош дўконига буюртма олиш учун навбат кутиб турган китобхонларимизнинг юзидаги хурсандчиликни кўриб, ушбу китобга бўлган муҳаббатнинг яққол намунасига гувоҳ бўлади киши.

Бу китобни олишимдан мақсад, бундан 2-3 йил аввал нашр этилган «Тафсири Ҳилол» китобини онам олиб ўқиб чиққан эдилар, - дейди Тошкент шаҳридан ташриф буюрган Н. Тўлаганова. — Шундан сўнг, ушбу китобни бизга ҳам ўқиб чиқишни таклиф қилдилар ва ўзлари ўқиб билган жойларидан маълумот ҳам бердилар. Мен ҳам шу китобни оламан деб ният қилган эдим, Алҳамдулиллаҳ бугун шу ниятимга етдим. Биласизми? Юртимиз ҳудудида шундай китобларни сотилаётганининг ўзи катта бахт.

Бир вақтлар бундай китоблар сотилмаган ҳатто хаёлимизга ҳам келмаган. Шу ўринда президентимиз Шавкат Мирзиёевга ҳам катта раҳмат. Президентимизнинг ўзлари ҳам айнан бугун китоб ўқинг дея, такрор-такрор таъкидлаётдилар. Барчаларидан Аллоҳ рози бўлсин!



«Тафсири Ҳилол» китобига буюртма

Хурматли китобхонлар! Олти жиддик «Тафсири Ҳилол» китобининг навабдаги кайта нашрига 2019 йил 7 сентябрдан буюртма бериш бошланади.

«Тафсири Ҳилол» китоби кайта наشري сони чекланганлиги ва унга талаб кўпчилиги сабаблик олдидан буюртма рўйхати қилиняпти. Агар Сизда «Тафсири Ҳилол» бор бўлса ёки китобни сотиш учун олаётган бўлсангиз ИЛТИМОС китобга буюртма берманг. Чунки уни аввал олмаган жуда кўпчилик кутиб турибди.

- Китоб нашр этилгандан сўнг буюртмачига смс юбориш ёки телефон қилиш орқали чақирилади, хабар берилган кундан бошлаб 10 кун ичида олиб кетиш керак бўлади. (Баъзи сабабларга кўра хабар етказилмай қолса, буюртмачи октябрь ойи бошида хабар олиши керак)
- «Тафсири Ҳилол» китоби бир кишига БИР ДОНАДАН сотилади. Тўлов китоб олгани келган куни амалга оширилади.
- Икки марта ёки ундан кўп ёздирish мумкин эмас, агарда бундай ҳолат бўлса, ушбу харидор рўйхатдан ўчириб ташланади. Бунда бошқа филиаллардаги рўйхат ҳам ҳисобга олинади.
- Телефон ёки интернет орқали буюртма қабул қилинмайди. Илтимос, ўзингиз ёки вақилингиз келсин.









Маълумот ўрнида эслатиб ўтамиз, «Тафсири Ҳилол» китобини қуйидаги манзилларга бориб буюртма беришингиз мумкин:

«Hilol» нашриёт-матбааси бош дўкони

Манзил: Сўгалли ота, 5-уй +99871 216 29 27, +99871 217 59 99

Иш вақти: 09.00 – 18.00

Чорсу филиали

Манзил: Олмазор тумани, Сағбон (Фаробий) кўчаси, 7-уй +99891 134 82 88

Иш вақти: 09.00 – 18.00

Кўкча филиали

Манзил: Шайхонтоҳур туман, Маннон уйғур кўчаси, 362-уй +99897 755 23 70

Иш вақти: 09.00 – 18.00

Наманган филиали

Манзил: Наманган ш., А.Навоий кўчаси, 69-уй +99869 227 95 91

Иш вақти: 09.00 – 18.00

Андижон филиали

Манзил: Андижон ш., Ўзбекистон кўчаси, 5-уй

+998 97 706 29 27

Марғилон филиали

Манзил: Фарғона вил., Марғилон ш., Хонақо кўчаси, 3-уй +998 97 756 29 27

Иш вақти: 09.00 – 18.00

Самарқанд филиали

Манзил: Самарқанд ш., Шоҳи Зинда кўчаси, 268-уй +99891 522 44 99

Иш вақти: 09.00 – 18.00

Сурхондарё филиали

Манзил: Денов ш., Мустақиллик кўчаси, 69-уй +99893 503 56 94

Иш вақти: 09.00 – 18.00

Хоразм филиали

Манзил: Урганч шаҳри, Амир Темур истироҳат боғи ҳудуди

+99899 526 29 27, +998 93 747 77 74

Иш вақти: 09.00 – 18.00

Бухоро филиали

Манзил: Бухоро шаҳри, Ибн Сино-1

+99897 239 29 27

Мўлжал: Самарқанд дарвоза С-Маркет

Иш вақти: 09.00 – 18.00

Қуйидаги тартиб бўйича буюртма олинади:

1. Буюртма рўйхатига фақат буюртмачи ёзади.

2. Телефон ва интернетдан буюртма олинмайди. Буюртмачи дўконлардан бирига келиши керак.
3. Бир киши фақат битта буюртма бера олади.
5. Китоб сентябрь охири ёки октябрь бошига тайёр бўлади.
6. Китоблар тайёр бўлгач буюртмачиларга SMS орқали хабар юборилади.
7. Буюртма берувчилар 10 иш кунда олиб кетишлари керак бўлади.

Нархи: **520000 сўм**

Islom.uz портали